ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

БОБОЕВ ЛОЧИНБЕК БОЙМУРОТОВИЧ

МАТНЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 004.92

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Technical Sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

БОБОЕВ ЛОЧИНБЕК БОЙМУРОТОВИЧ

МАТНЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/T1419 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Илмий раҳбар: **Бабомурадов Озод Жўраевич**
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Мирзаев Номаз**
техника фанлари доктори
Юлдашев Зафар Бахтиярович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: **"UNICON.UZ" - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (219 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» августа да тарқатилди.
(2021 йил «23» июля даги 1 рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

М.А. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда матнли ҳужжатларни таснифлаш тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш, таснифлаш ва таҳлиллаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, Хитой, Россия, АҚШ, Англия, Германия, Ҳиндистон, Франция ва бошқа давлатларда матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш ҳамда таснифлаш йўналишларининг назарий ва амалий масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда матнли маълумотларга ишлов бериш ва матнни таснифлаш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, матнли маълумотларни интеллектуал таҳлилини амалга ошириш учун ҳужжатларни таснифлаш сифатини ошириш ва самарали воситасини ишлаб чиқиш, матнларни интеллектуал таҳлилашни амалга ошириш учун зарурий таснифлаш ва башоратлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда матн моделлари ва автоматлаштирилган таснифлаш тизимларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда мазкур йўналишда ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш, интеллектуал таҳлил қилиш ва таснифлашга мўлжалланган дастурий воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, идоралараро ҳужжат алмашинув тизимини такомиллаштириш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш[1], «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш бўйича йўл харитасида тасдиқланган вазифаларни амалга ошириш, матнли маълумотлар (ҳужжатлар)ни таснифлаш ва башоратлаш орқали электрон мурожаатларни автоматлаштирилган таҳлилини амалга оширувчи бошқариш тизимларини яратиш жамиятни ахборотлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, матнли ҳужжатларни таснифлаш ва башоратлаш тизимлари самарадорлигини оширишни инобатга олган ҳолда ривожлантириш, электрон мурожаатларни тўғри таснифлаш асосида манзилли кўриб чиқилишини таъминлаш орқали фуқаро мурожаатларини ҳамда турли кўринишдаги матнли маълумотларни самарали таҳлил қилиш тизимларида қўллаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

2015 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Электрон ҳукумат тўғрисида» ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сонли «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матнли маълумотларга ишлов бериш ва таснифлаш модел, усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш масалаларини ечиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича хорижий олимлардан С.Агарвал, Т.Миколов, З.Янг ва бошқаларнинг илмий ишлари диққатга сазовор.

Ўзбекистонда таниб олиш ва матнли маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.Х.Фозилов, С.С.Содиқов, Н.С.Маматов, О.Ж.Бабомурадов ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш орқали матнли ҳужжатларни таснифлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, бошқарувга йўналтирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва матнларга ишлов бериш технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган йўналиш ҳисобланади. Бироқ, бундай технология асосида матнли ҳужжатларни таснифлаш ва таҳлил қилиш автоматлаштирилган тизимларини яратишда вужудга келадиган муаммолар ҳозирги кунгача етарли даражада ҳал этилмаган. Бундан ташқари матнли маълумотларни таснифлаш ва таҳлил қилишнинг ишончли, мустақил ва юқори тезликни таъминловчи усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-М-Ф4-09 «Норавшан муҳитда мураккаб тузилмали ахборотларга ишлов бериш, таниб олиш ва башоратлашнинг баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари мантиқий-эвристик синфига асосланган интеллектуал тизимлари» (2017 2020), ҳамда ПЗ-201906202 «Ўзбек тилидаги матнли ахборотларни таҳлил қилиш ва таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш» (2019-2021) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади матнли ҳужжатларни таснифлаш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

матнли маълумотларга ишлов бериш ва таснифлаш борасида амалга оширилган илмий ишларни таҳлил қилиш;

матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмларини тадқиқ қилиш;

ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлаш ёндашувини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлашнинг чуқур ўқитишга асосланган алгоритмини ишлаб чиқиш;

мавжуд ва таклиф этилган алгоритмлар асосида матнли ҳужжатларни таснифлаш дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электрон матнли ҳужжатларни таснифлаш жараёни қаралган.

Тадқиқотнинг предметини матнли маълумотларни таҳлиллаш ва таснифлаш усул ва алгоритмлари ҳамда дастурий таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Назарий тадқиқотларда тизимли таҳлил, имитацион моделлаштириш, эҳтимоллик назарияси, математик статистика, дискрет математика, матнларга ишлов бериш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни автоматлаштирилган таснифлаш механизмини амалга ошириш ва такомиллаштиришда эҳтимолли ва шажарали моделлари қурилган;

ахборот ресурсларида мавжуд ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлаш тизимини амалга оширишда белгилар фазосини шакллантиришга хизмат қилувчи маълумотларга дастлабки ишлов беришнинг кетма-кетликка асосланган CBOW(Continuous Bag of Words) модели такомиллаштирилган;

гиперпараметрларни созлаш орқали чуқур ўқитишга асосланган ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлаш алгоритми модификацияси ишлаб чиқилган;

матнли ҳужжатларда матн элементларини тўғри шакллантириш ҳамда таснифлаш механизми натижадорлигини яхшиловчи ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлашнинг CNN+RNN(BLSTM) гибрид алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва таснифлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

мавжуд ва ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларга асосланган «MT 1.0» ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни танифлаш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги матнли маълумотларга ишлов бериш ва таснифлаш алгоритмларни ишлаб чиқишда математик аппаратининг тўғри қўлланилиши ҳамда тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш ҳамда матнли ҳужжатларни таснифлашнинг назарий асосларининг истиқболли ривожланишига ишлаб чиқилган алгоритмларнинг ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий мажмуа матнли ҳужжатларни таснифлаш автоматлаштирилган тизимларини яратишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матнли ҳужжатларни таснифлаш масаласини ечиш билан боғлиқ бўлган мавжуд ҳамда таклиф этилган усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот асосида:

ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлашда дастлабки ишлов беришнинг кетма-кетликка асосланган CBOW модели ва таснифлашнинг CNN+RNN(BLSTM) гибрид алгоритми асосида яратилган дастурий восита «Darakchi Inform Service» МЧЖ да фойдаланиш учун жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 33-8/395-сон маълумотномалари). Натижада ишлаб чиқилган дастурий восита янгиликларни рукнларга таснифлашда 90% дан юқори аниқликда ишламоқда. Бу янгиликларни таснифлаш учун кетадиган вақтни 50% га қисқартириш имконини берди;

ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни автоматлаштирилган таснифлашнинг эҳтимолли, шажарали ва параметрсиз моделлари асосида яратилган дастурий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълими соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш марказига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 33-8/395-сон маълумотномалари). Натижалар матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш ва нормаллаш орқали ҳужжатларни таснифлашга кетадиган вақтни 20-25% га қисқартириш имконини берди;

гиперпараметрларни созлаш орқали чуқур ўқитишга асосланган ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлаш алгоритми асосида яратилган дастурий восита Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказида масофавий ва электрон таълимни ташкил этиш жараёнида фойдаланиш учун жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 33-8/395-сон маълумотномалари). Натижада матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш ва нормаллаш орқали ҳужжатларни юқори аниқликда таснифлашни таъминламоқда. Бу ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таҳлил қилиш самарадорлигини 15-20% га ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларини қайд қилиш гувохномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган бўлиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маълумотларга ишлов бериш тизимларида матнни таснифлашнинг назарий асослари»** номланган биринчи бобида матнли ҳужжатларни таснифлашнинг назарий асосланиши, муаммонинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари, ҳал қилиш ёндашувлари келтирилган бўлиб, таҳлил қилинган ҳар бир ёндашувнинг ўзига ҳос ижобий томонлари ва учраган камчиликлари акс эттирилган. Бундан ташқари, матнли маълумотларни таснифлаш йўналишида мавжуд бўлган асосий муаммолар шакллантириб олинган. Матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш ва таснифлашнинг маълум усул, модел ва алгоритмларини тадқиқ қилиш асосида мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларини ривожлантириш муаммолари, уларни ҳал этиш йўлларига аниқлик киритилган ҳолда илмий тадқиқот ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

1.1-параграфда маълумотлар интеллектуал таҳлилининг асосий масалаларидан бўлган такрорланувчи белгиларни ажратиш, кластер таҳлили, четлашишни таҳлил қилиш ва таснифлаш масалаларига тўхталиб ўтилган бўлиб, олиб борилган таҳлилий тадқиқот асосида матнли маълумотларга ишлов беришда маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш усул ва воситаларининг ўзига ҳос жиҳатлари очиб берилган.

Маълумотларга ишлов беришда ўқитиш ва автоматик таснифлаш масалаларини ечишдаги эришилган натижалар таҳлил этилганда уларнинг ўзига ҳос жиҳатлари ажратиб берилган бўлиб, уларни қай ҳолатларда қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Анъанавий усулларни қўлланилиши катта массивли матнли маълумотларга ишлов беришда катта ҳатоликлар келтириб чиқариши, мураккароқ тузилмага эга бўлган чуқур ўқитишга асосланган ёндашувларда эса ўқув танлама миқдорининг катта бўлиши ҳамда параметрлаштиришга талабнинг юқорилиги катта камчилиги эканлиги ойдинлаштирилган.

1.2-параграфда матнни таснифлаш борасида дунё тажрибаси, амалга оширилган тадқиқотлар, олинган натижалар тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб олиш мақсадида қилинган таҳлили келтирилган. Ўтказилган таҳлилий тадқиқот асосида матнли ҳужжатларни таснифлаш борасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва эришилаётган натижалар қараб ўтилди. Таҳлил асосида матнларни таснифлаш соҳасида ривожланишнинг асосий тенденцияси аниқланган ва тадқиқот мобайнида эътибор бериладиган асосий жиҳатлар белгилаб олинган. Назарий ишланмаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган турли кўринишдаги тизимлар таҳлили тадқиқот ишининг 1.3-параграфида баён этилган. Унда табиий тил тури ва таркибини ҳисобга олмаган ҳолда матнларни таснифлаш тизимларини қандай архитектура ҳамда таркибий элементлар билан амалга оширилиши баёни келтирилган. Мазкур йўналишдаги ютуқ ва камчиликлар, уларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар, тадқиқот доирасида ишлаб чиқиладиган тизимни қуришда инобатга олиниши учун белгилаб қўйилган.

Амалга оширилган назарий ва амалий ишланмалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда предмет соҳа бўйича амалга оширилган аналитик таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот масаласининг қўйилиши 1.4-параграфда акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Матнли маълумотларни таснифлаш жараёни**» деб номланувчи иккинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш босқичлари, матн белгилари ўлчовини қисқартириш ёндашувлари, матнли ҳужжатларни таснифлашнинг анъанавий моделлари ва таснифлашни баҳолаш ўлчовларига бағишланган.

2.1-параграфда матнли маълумотларни таснифлаш масаласини ечишда асосий рол ўйнайдиган маълумотларга дастлабки ишлов беришнинг бир қатор ёндашувлари қараб ўтилган бўлиб, уларнинг асосида қўйилаётган матнли маълумотларни таснифлаш масаласини ечиш самарадорлигини ошириш учун тадбиқ этиш ёндашувлари таклиф этилган. Бунинг учун мазкур қисмда платформага асосланган ажратиш ва ўгириш, бўлакларни қайта ишлаш, нормаллаштириш, TF-IDF модели, Word2Vec моделлари тадқиқ қилиниб, дастлабки ишлов беришнинг мос самарали ёндашуви қўлланилди.

2.2-параграфда матнларни таснифлашни самарали амалга оширишга хизмат қилувчи матн белгиларини камайтириш ёндашувлари қараб ўтилган бўлиб, уларни турли ҳолатларда қўлланиши бўйича таклифлар берилган. Шулардан анъанавий усулларга асосланган ўлчамни камайтириш ёндашуви беш босқични ўз ичига олади ва у қуйидагича:

1) Дастлабки ишлов бериш термин индексини ажратиб олишни ва матнни тозалаш амалга оширилади, натижада m белгиларга эга n ҳужжатлар ҳосил бўлади;
2) N ҳужжат яратиш $\left(d \in \{d_1, d_2, \ldots, d_n\}\right)$, бу ерда $a_{ij} = L_{ij} \times G_i$ вектори L_{ij} j ҳужжатдаги i - терминнинг локал вазнини билдиради ва G_i - бу i - ҳужжат учун глобал вазнлар;

3) Усулни барча ҳужжатлардаги барча терминларга бирма-бир қўллаш;
4) Киритилган ҳужжат векторини r ўлчамли фазога проекциялаш;
5) Худди шу трансформациядан фойдаланиб, r - ўлчамли фазога синов тўпламини акслантириш.

2.3-параграфда мавжуд матнли ҳужжатларни таснифлаш алгоритмлари ўзбек тилидаги матнни таснифлаш учун қўлланилиши баён қилинган бўлиб, турли ҳолатларда матнни таснифлаш учун соддадан мураккабга йўналтирилган алгоритмлар тадқиқ этилган. Матнни таснифлашда фойдаланиладиган Роккио алгоритми, ансамбл ўқитиш алгоритмларининг иккита машҳур усулига мурожаат қилинган: boosting ва bagging, мантиқий регрессия, Содда Байес ва k-яқин қўшнилар каби ёндашувлар қўлланилиши қараб чиқилган. Шу билан бирга таснифлашда SVM, қарор дарахти ва тасодифий ўрмонлар каби алгоритмларни ҳужжатларни таснифлаш учун тезлиги ва аниқлиги юқорилиги тадқиқотда аниқланди. Мазкур ёндашувлар тадқиқот давомида ўзбек тилидаги матнли маълумотларни таснифлаш учун қўллаб кўрилди. 2.4-параграфда тадқиқот давомида таснифлаш сифатини аниқлаш ва такомиллаштиришни яхшилаш мақсадида таснифлашни баҳолаш ўлчовларини ўз ичига олган мезонлар тадқиқ қилинган. Бу матнли ҳужжатларни таснифлашда битта моделдан фойдаланишнинг ўзи етарли эмаслигини асослади. Тадқиқотнинг мазкур қисмида таснифлашни баҳолаш ўлчовлари асосида таснифлаш жараёнининг турли босқичида турли механизмлардан фойдаланиш ўринли эканлигини исботлаган.

Диссертациянинг **«Матнли ҳужжатларни таснифлашнинг гибрид алгоритмини ишлаб чиқиш»** деб номланувчи учинчи боби матннинг кетма-кетлик моделини қуриш, чуқур ўқитишга асосланган матнни таснифлаш моделлари тадқиқ қилинган, матнли ҳужжатларни таснифлаш гибрид алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертациянинг 3.1-параграфида матнларни кетма-кетлик моделига асосланган алгоритми тавсифланган.

Матнннинг j-кирувчи сўзи учун p-ўлчовли жойлаштирилиши бутун корпус бўйлаб қаралиши $\bar{u}_j = (u_{j1}, u_{j2}, \ldots, u_{jp})$ ни беради ва $\bar{h} = (h_1 \ldots h_p)$ кирувчи матнннинг ўзига хос жойлашувини таъминлайди. Яширин қатлам қуйидаги натижани ҳосил қилади:

$$h_q = \sum_{i=1}^{m} \left[\sum_{j=1}^{d} u_{jq} x_{ij} \right] \qquad \forall q \in \{1 \ldots p\} \tag{1}$$

Ифода кўпайтмаси учун аҳамиятсиз бўлсада, аксарият ҳолларда ифоданинг ўнг томонида m нинг аниқланиш соҳасидан фойдаланилади. Ушбу муносабатни вектор шаклида ҳам ёзиш мумкин:

$$\bar{h} = \sum_{i=1}^{m} \sum_{j=1}^{d} \bar{u}_j x_{ij} \tag{2}$$

Жойлаштириш орқали $(h_1 \ldots h_p)$ мақсад сўзнинг ҳар-бир d-натижадан биттаси бўлишини тахмин қилиш учун *softmax* функциясидан фойдаланилади. Чиқувчи қатлам вазнлари $p \times d$ матрица орқали аниқланиб, $V = \left[v_{qj} \right]$ билан ифодаланади. *Softmax* функсияси битта қиймат 1 қолганлари 0 бўлган натижаларда y_j нинг $P(w \mid w_1 \ldots w_m)$ - эҳтимоллиги қуйидагича ҳисобланади:

$$\hat{y}_j = P(y_j = 1 \mid w_1 \ldots w_m) = \frac{\exp\left(\sum_{q=1}^{p} h_q v_{qj} \right)}{\sum_{k=1}^{d} \exp\left(\sum_{q=1}^{p} h_q v_{qk} \right)} \quad (4)$$

3.2-параграфда кўп қатламли нейрон тармоқлари, такрорланувчи нейрон тармоқлари (RNN) ва конволюцион нейрон тармоқлари (CNN) модел ва архитектураси қараб ўтилган бўлиб, ушбу ёндашувлар асосида ўзбек тилидаги матнларни таснифлаш алгоритмларининг ишлаш самарадорлиги тажрибавий тадқиқотлар асосида асослаб берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида чуқур ўқитишнинг RNN ва CNN усуллари мос равишда 80% ва 90% аниқлик билан ишлаши аниқланди (1 ва 2-расмлар).



1-расм. RNN усулида олинган натижалар



2-расм. CNN усулида олинган натижалар

3.3-параграфда чуқур ўқитишга асосланган ёндашувлар негизида гибрид алгоритм ишлаб чиқилган бўлиб, уни ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларга тадбиқ этиш усули асосланган. Ушбу алгоритм 8 қадамда амалга оширилган:

1-қадам: $D=\{w_1,w_2,\ldots,w_n\}$ кириш ҳужжати дастлабки ишлов бериш босқичидан ўтказилади.

2-қадам: Ҳужжатдаги ҳар бир w_i сўз, $v_i\in\mathbb{R}^d$ - сўзлар векторига трансформация қилинади,.

3-қадам: $w_{i:i+k-1}=\{w_i,w_{i+1},\ldots,w_{i+k-1}\}$ сўзлар кетма-кетлиги учун мос равишда $v_{i:i+k-1}=\{v_i,v_{i+1},\ldots,v_{i+k-1}\}$ векторлар шакллантирилади.

4-қадам: $x_i=f\left(W\cdot v_{i:i+k-1}+b\right)$ қийматлари генерация қилинади, $W\in\mathbb{R}^{d\times k}$. Филтр ойнаси тўлиқ ўтказилганда $m=\left[x_1,x_2,\ldots,x_{n-h+1}\right]$ ҳосил бўлади. l марта филтрлаш орқали $M=\{m_1;m_2;\cdots,m_l\}$ ҳосил қилинади, $M\in\mathbb{R}^{l\times(n-k+1)}$, $E=n-k+1$.

5-қадам: Ҳужжатдаги сўзларнинг тўлиқ боғлиқлигини қамраб олиш мақсадида M чиқиш векторлари LSTM қатламга узатилади. LSTM яширин қатлами H билан белгиланади. t-қадамдаги учта эшик яъни, кириш i_t, чиқиш o_t ва унутиш f_t қуйидагича янгиланади.

$$i_t=\sigma\left(W_i m_t+U_i h_{t-1}+b_i\right),$$
$$o_t=\sigma\left(W_o m_t+U_o h_{t-1}+b_o\right),$$
$$f_t=\sigma\left(W_f m_t+U_f h_{t-1}+b_f\right),$$
$$c_t=f_t\otimes c_{t-1}+i_t\otimes\tanh\left(W_c m_t+U_c h_{t-1}+b_c\right),$$

$$h_t = o_t \otimes \tanh(c_t)$$

ҳисоблашлар икки йўналишда амалга оширилади. Бу ерда σ - сигмоид функция, $W \in R^{H\times E}$, $U \in R^{H\times H}$, $b \in R^{H\times 1}$ тармоқ параметрлари.

6-қадам: H ва H' конкатинацияланиб чиқиш қатламга киритилади.

7-қадам: *Softmax* функцияси орқали ҳужжат синфи аниқланади,

$$P_i(y) = \frac{\exp(y_i)}{\sum_{j=1}^{K} \exp(y_j)},\ i = 1,2,\ldots,K.$$

8-қадам: Тамом.



3-расм: Таснифлашнинг «CNN+RNN(BLSTM)» гибрид архитектураси

Диссертациянинг **«Матнли ҳужжатларни таснифлаш тажрибавий тадқиқот натижалари»** деб номланувчи тўртинчи боби тажрибавий тадқиқотлар натижаларини баён этиш ва амалий масалаларни ечишга бағишланган.

4.1-параграфда диссертация тадқиқоти объектлари тавсифи келтирилган бўлиб, унда асосий элементлар ажратиб тавсифланган. Мос равишда ҳар бир объектга қандай ёндашувларни қўлланиш усули баён этилган. Унга кўра амалий масалалар таркиби аниқланган ва предмет соҳа қамрови ажратилган. Танланган масалаларни ечиш учун турли алгоритм натижалари келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат расмий ахборот манбаидан 10 та категорияга тегишли 1847 та энг охирги ўзбек тилидаги янгиликлар пости олинди. Ўтказилган ҳисоблаш тажрибаларида тадқиқот ишининг иккинчи ва учинчи бобларида тавсифланган усул ва алгоритмлар қўллаб кўрилди ва натижалар олинди. Анъанавий алгоритмлардан фойдаланган ҳолда олинган натижалар таҳлили қуйидаги кўринишда тасвирланган:



4-расм. Анъанавиалгоритмларида олинган натижалар

4.2-параграфда ишлаб чиқилган гибрид ёндашувга асосланган алгоритм натижалари акс эттирилган. Унга кўра тажрибавий тадқиқотлар учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат расмий ахборот манбасидан 59299 та сўз учун вектор узунлиги 64 га тенг бўлган сўз вектори ҳосил қилинди. Қуйида сўзларнинг ўхшашлик жадвали келтирилган.

1-жадвал. CBOW моделига асосланган сўзлар ўхшашлиги

спорт	ахборот	сўм	талаба
тарбия	воситаларида	триллион	ўқиш
мусобақаларини	оммавий	миқдорида	кечки
қишки	воситалари	миллиард	олаётган
болалар	коммуникация	ажратди	таҳсил
турлари	технологиялари	маблағ	мактаб

атлетикага	вебсайтлари	доллар	етишмаслиги
ўсмирлар	дарча	миллион	амалиёт



5-расм. «УзА» базаси энг кўп учрайдиган сўзларнинг икки ўлчамда ифодаланиши

Таклиф этилган CNN+RNN(BLSTM) (гибрид) алгоритми 93% аниқликда ишлаши тажрибавий тадқиқотларда аниқланди (6-расм).



6-расм. CNN+RNN(BLSTM) (гибрид) алгоритмида олинган натижалар

4.3-параграф ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар таҳлилига бағишланган бўлиб, унинг асосида олинган натижалар ҳаққонийлиги ва самарадорлиги аниқланган.



7-расм. Таснифлаш алгоритмларида олинган натижалар

Маълум бўлган ва диссертацияда таклиф этилган усул ва алгоритмлар асосида матнли маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва таснифлаш масалалари қараб ўтилган. Бу матнли ҳужжатларни таснифлаш га кетадиган вақтни 10-25%га ва таснифлаш аниқлигини 10%га оширилган.

Олинган натижалар мазкур соҳа экспертлари томонидан маъқулланган. Навбатдаги босқич тадқиқотларида таснифлаш аниқлигини таснифлашнинг чуқур ўқитишга асосланган гибрид ёндашувлари ҳамда белгилар фазосини қисқартириш орқали ошириш мақсадга мувофиқлиги белгиланди. Таклиф этилган усул ва алгоритмларга асосланган матнларни таснифлаш технологияси ёрдамида амалий тадқиқотларни режалаштириш мазкур соҳада кўпгина мутахассисларга қулайлик олиб келди ва харажатни камайтирди.

ХУЛОСА

Диссертацияда ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш, белгилар фазосини шакллантириш, белгилар фазосини қисқартириш ва таснифлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотни амалга оширишдан олинган асосий натижалар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Матнли ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш, таснифлаш ва таҳлиллаш билан боғлиқ бўлган тизимларни яратишда анъанавий ва чуқур ўқитишга асосланган усулларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий жиҳатларининг замонавий ҳолатини ёритувчи илмий-техник адабиётлар тахлили амалга оширилди. Бу матнларни таснифлаш тизимларини ишлаб чиқишнинг концептуал тамойилларини, конструктив ёндашувларини, усул, модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш имконини беради.

2. Матнли маълумотларни таснифлаш масаласини ечишда асосий рол ўйнайдиган маълумотларга дастлабки ишлов беришнинг бир қатор ёндашувлари асосида таснифлаш масаласини ечиш самарадорлигини ошириш учун қўллаш таклиф этилган.

3. Матнларни таснифлашни самарали амалга оширишга хизмат қилувчи матн белгиларини қисқартириш механизми таклиф этилган.

4. Мантли ҳужжатларни таснифлаш масаласини ечишда белгилар фазосини шакллантиришнинг оддий санаш усули билан бир қаторда матн сўзларининг қўшниларини ҳисобга олган ҳолда самарадорликни ошириш муаллиф томонидан таклиф этилган ёндашуви асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган. Матнларни таснифлашда ҳозирда кенг қўллашга харакат қилинаётганларидан чуқур нейрон тармоқлари, такрорий нейрон тармоқ, конволюцион нейрон тармоқ ва бирикма усуллар каби нейрон тармоқларига асосланган матнли ҳужжатларни таснифлаш гибрид алгоритмлари таклиф этилган. Бу алгоритм ҳисоблаш тажрибаларида ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

5. Таснифлаш натижалари ЎзА ахборот ресурсларида модел масала сифатида тажрибавий тадқиқот натижалари кўринишида келтирилган, олинган натижалар дастлабки ҳолатда ўртача 60-82% кўрсаткич берди. Чуқур ўқитишга асосланган алгоритмлар ўртача 78-90% аниқликни таъминлади. Гибрид алгоритм эса 93% дан юқори натижани таъминлади.

6. Ўзбек тилидаги матнли ҳужжатларни таснифлашга йўналтирилган дастурий воситалар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги халқ таълими соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш марказида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказида ва “Darakchi Inform Service” масъулияти чекланган жамиятида тадбиқ этилган, диссертация натижалари бўйича олинган далолатномалар олинган натижалар самарадорлигини тасдиқлайди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ DSc13/30.12.2019.T.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

БОБОЕВ ЛОЧИНБЕК БОЙМУРОТОВИЧ

АЛГОРИТМЫ КЛАССИФИКАЦИИ ТЕКСТОВЫХ ДОКУМЕНТОВ

05.01.03 - Теоретические основы информатики

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/T1419.

Диссертация выполнена в Научно-инноционном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Научный руководитель:	**Бабомурадов Озод Жураевич** доктор технических наук
Официальные оппоненты:	**Мирзаев Номаз** доктор технических наук **Юлдашев Зафар Бахтиярович** доктора философии по техническим наукам
Ведущая организация:	**“UNICON.UZ” – Центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится «10» сентября 2021 г. в 14[00] часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №219). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «20» августа 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «23» июля 2021 г.).

Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

М.А.Исмаилов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире особое внимание уделяется разработке систем классификации текстовых документов. В этом направлении разработка методов и алгоритмов предварительной обработки, классификации и анализа текстовых документов является одной из актуальных задач. Кроме того, в развитых странах мира, таких как Китай, Россия, США, Англия, Германия, Индия, Франция и другие страны, большое внимание уделяется решению теоретических и практических задач в области предварительной обработки и классификации текстовых данных.

В мире ведутся исследовательские работы по усовершенствованию, разработке и созданию вычислительных алгоритмов для обработки текстовых данных, а также методов и алгоритмов классификации текстов. В этом отношении важнейшими задачами являются повышение качества и разработка эффективного инструмента классификации документов для интеллектуального анализа текстовых данных, разработка и совершенствование алгоритмов классификации и прогнозирования необходимых для интеллектуального анализа текстов, а также создание текстовых моделей и автоматизированных систем классификации.

В Республике особое внимание уделяется развитию программных средств предварительной обработки, интеллектуального анализа и классификации текстовых документов на узбекском языке. Реализация утвержденных в Дорожной карте задач по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономике, социальной и управленческой сфере, совершенствование системы межведомственного документоборота, повышение качества предоставляемых государственных услуг, дальнейшее развитие системы “Электронное правительство”, где используется автоматический анализ электронных текстов, классификации и прогнозирования являются важными элементами информатизации общества. В этой связи, в качестве основных задач можно отметить исследования по развитию систем классификации и прогнозирования текстовых документов с учетом повышения их эффективности, обеспечения адресного рассмотрения электронных обращений на основе правильной их классификации, а также использования различных видов текстовой информации в эффективных системах анализа.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит для реализация задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об электронном правительстве» принятым 18 ноября 2015 года, Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постоновлениямием Президента от 17 июня 2021 года № ПП-4996 «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта», а также другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий IV. “Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий”.

Степень изученности проблемы. Заслуживают внимания научные работы решения задач по разработке и усовершенствованию методов, алгоритмов и моделей обработки текстовых данных и классификации таких зарубежных учёных, как С. Агарвала, Т. Миколова, З. Янга и др.

В Узбекистане в развитие теоретических основ распознавание и интеллектуального анализа тектовых данных внесли свой вклад М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.Х.Фазылов, С.С.Садыков, Н.С.Маматов, О.Ж. Бабомурадов и другие ученые.

На сегодняшний день повышение качества и эффективности классификации текстовых документов с помощью предварительной обработки данных, разработка информационных систем, ориентированных на управление и тхнологии обработки текстовых данных считаются наиболее перспективными направлениями исследований. Однако проблемы, возникающие при создании автоматизированных систем классификации и анализа текстовых документов на основе таких технологий все ещё не нашли своего окончательного решения. Кроме того, недостаточно изучена проблема разработки методов и алгоритмов, обеспечивающих надежную, быструю классификацию и анализ текстовых данных.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов плана научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий по следующим темам: № БВ-М-Ф4-09 “Интеллектуальные системы обработки сложноструктурированной информации, распознавания и прогнозирования ,основанные на классе логико-эвристических алгоритмов вычисления оценок в нечеткой среде” (2017-2020), № ПЗ-201906202 “Разработка системы анализа и классификации текстовых информаций узбекского языка” (2019-2021).

Целью исследования является разработка алгоритмов и программного комплекса классификации текстовых документов.

Научно-исследовательские цели:

анализ научных работ по обработке и классификации текстовых данных;

исследование методов и алгоритмов предварительной обработки текстовых данных;

разработка подхода к классификации текстовых документов на узбекском языке;

разработка алгоритма классификации текстовых документов на узбекском языке на основе глубокого обучения;

разработка программного комплекса классификации текстовых документов основанных на основе существующих и предложенных алгоритмов.

Объектом исследования является процесс классификации электронных текстовых документов.

Предметом исследования являются методы, алгоритмы и программное обеспечение для анализа и классификации текстовых данных.

Методы исследования. Для проведения теоретических исследований использованы методы системного анализа, имитационного моделирования, теории вероятностей, математической статистики, дискретной математики, обработки текста и методы классификации.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

построены вероятностные и иерархически модели реализации и усовершенствования механизма автоматизированной классификации текстовых документов на узбекском языке;

усовершенствован модель CBOW(Continuous Bag of Words), основанная на последовательность предварительной обработки данных, формирующих признаковое пространство при реализации систем классификации текстовых данных на узбекском языке, содержашихся в информационных ресурсах;

разработана модификация алгоритма классификации текстовых документов на узбекском языке, основанная на глубокое обучение путем гипрпараметрической настройки;

разработан гибридный алгоритм CNN+RNN (BLSTM) классификации текстовых документов на узбекском языке, улучшающий результативность механизма правильного формирования и классификации текстовых элементов в текстовых документах.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

разработаны алгоритмы предварительной обработки и классификации текстовых данных;

